

623216 - СОН  
МОБИЛ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкитлари, якка тартибдаги табибиркор ва конун ҳужжатларига күра, юридик шахсни ташкил эттесден фаолият юритувчи фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг бошқа шитирокчилари) учун

Номинации ш.

10.01.2022 йил

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда матнда – Компания деб юритилади) номидан 30.12.2021 йилдаги №27-01-14/6020 - сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “ЎзМобайл” филиали директори С.С. Фахрутдинов, бундан бўён “Оператор” деб номланувчи, бир томондан ва НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУВ ОМБОРИ номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганилик түгрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУВ ОМБОРИ, бундан бўён “Абонент” деб номланувчи, иккинчи томондан, биргаликда “Томонтар” деб юритилади, телекоммуникация хизматларини кўрсатиши түгрисида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда матнда – Шартнома деб юритилади) қўйидагилар ҳакида туздилар:

### 1.Шартнома предмети

1.1.Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг [www.uztelecom.uz](http://www.uztelecom.uz) расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367-, 369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиши түгрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан мобил алоқа хизматларини кўрсатиши түгрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган мобил алоқа хизматлари учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) хисобланади.

1.2.Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонента идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3.Хизмат кўрсатиши шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури мавжудлителидан келиб чиккан ҳолда белгиланади.

### 2.Томонларниң ҳукуқ ва мажбуриятлари

2.1.Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳукук ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2.Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳукук ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3.Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишида умумеътироф этилган маданиятга амал килинган ҳолда, ўз ҳукук ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

### 3.Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1.Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида Хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб 100 (юз) фойз микдорида олдиндан тўланади.

3.2.Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор Хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3.Хизматлардан фойдаланиши учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк қуни мобайнинг амалга оширилади.

3.3.1.Илк бор уланишида Абонент тўлови 100 (юз) фойз микдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4.Бюджет ташкитоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (КҶСни ҳисобга олган ҳолда) 865 000 (Солен юз шайхча бое) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма 865 000 (Солен юз шайхча бое) сўм микдоридаги Абонент тўловини хамда 865 000 (Солен юз шайхча бое) микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1.Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кеттган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5.Абонент кейинги ҳисоб-китоб даври (ҳисобот ойи) бошлангунга кадар олдиндан тўловнинг 100 (юз) фойз шарти билан ҳар ойда Хизматлар учун тўловни амалга оширади. Ушбу тўлов Шартноманинг 8-моддасида кўрсатилган Операторнинг шахсий ҳисоб ракамларига пул маблағларини кўрсатилган хизматлар ҳисобига олган ҳолда, танланган ҳажм ва тарифлар/тариф режаларига мувофиқ ўқазиши ўйли билан амалга оширилади.

3.6.Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатади.

3.7.Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган Хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу Хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1.Агар Абонент Оператор Хизматларидан фойдаланишини вақтинча тўхтатиши, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олиши истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиши тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8.Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор Хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9.Оператор томонидан тақдим этилган Хизматлар, Шартномага мувофиқ Хизмат учун асосида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларниң түлиқ календарь ойи учун умумий микдори күрсатилиди.

3.9.1.Агар Абонент 10 (үн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шакида тақдим этмаса, ушбу Хизмат тури бўйича хисоб-фактура қабул килинган ва Хизматлар тегиши тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилайдиган Хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10.Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хоти асосида Оператор томонидан Абонентга Хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4.Томонлар жавобгарлиги

4.1.Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиши ҳолатлари бундан мустасно).

#### 5.Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1.Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчиликига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган холда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2.Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисадий судила кўриб чикилади.

#### 6.Алоҳида шартлар

6.1.Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равиша Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қурашиппи тартибига солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган холда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз қурашиб чораларини кўради.

6.2.Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиг бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал қилинади.

6.3.Абонентнинг ёзма/электрон шакида тақдим этилган ариза/эътиrozнома/шикоят/таклиф кўрининшидаги мурожаати кўпти билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишили шакида жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиши учун 15 (үн беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равиша хабардор қилинади.

#### 7.Якуний Коидалар

7.1.Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал қиласди.

7.2.Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20 йил 31 декабрга кадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиши муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1.Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 йил 31 декабрга кадар амал қиласди.

7.2.2.Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганилиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3.Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулқорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклиниң ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амала оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календарь кун ичига бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5.Ушбу Шартномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равища расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдикланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

7.6.Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

#### 8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

Оператор:

“Узбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали  
Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Чилонзор  
тумани, Бунёдкор шоҳ кучаси, 8 ўй  
СТИР: 203366731  
МФО: 00401  
ИФУТ: 61100  
Х/р: 20210000404074838035  
АТБ “Алокабанк”  
Тел.: 998367757, 998367767  
e-mail: corporate@uzmobile.uz



Абонент:

Мижоз: НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУВ ОМБОРИ  
Манзил: Ўзбекистон, Наманганская обл., город Наманган,  
Наманганская обл. г. Наманган Хамроҳ кучи 66 ўй  
Банковские реквизиты: 100010860144017042402170009  
МФО: ,  
ИНН: 207264627



Наманган вилоят Сув омборларидан фойдаланини бошкармаси билан Ўзбектелеком АК  
УзМобайил Наманган филиали ургасидаги 2022 йилдаги 10 январдаги №  
623216-сонли шартномага

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Ойлар	Алоқа рәками	Жойлаштан жейі	Бир ойлик 1 та аборент түзөві	Аборент соли	ойлик тудов суммасы
1	Январ					275000
2	Феврал					275000
3	Март					275000
4	Апрел					
5	Май	300-07-40,				
6	Июн	300-07-30,				
7	Июл	300-07-50,				
8	Август	300-96-49,				
9	Сентябрь	300-45-43				
10	Октябрь					
11	Ноябрь					
12	Декабрь					
Жами:						825000

Аборент

Наманган вилоят Сув омборлардан  
фойдаланини бошкармаси

Рахимий

Ж.Умаров

